

Наманган шаҳар

2022 йил. "24" сентябрь

"DARMON-FARM-SANOAT" масъулияти чекланган жамияти бундан буён «Сотувчи» деб аталувчи номидан бошқарув раиси Д. Сотволдиев, бир томондан, Наманган тумани тиббиёт бирлашмаси бундан буён «Харидор» деб аталувчи номидан Р.И.Телемов иккинчи томондан куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 «Сотувчи» ушбу шартномага асосан «Харидор» га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги дори-дармон махсулотларини ҳамда тиббиёт буюмларини етказиб беради, «Харидор» етказиб берилган дори-дармонларни ва тиббиёт буюмларни қабул қилиб олиб, тўлов ҳужжатларини амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштиради. «Харидор» тақдим этган тўлов ҳужжатларига асосан белгиланган тўлов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда «Харидор» нинг харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда ҳудудий газна ҳисоб-рақамидан тўловларни амалга оширади.

2. ДОРИ-ДАРМОН МАХСУЛОТИНИНГ СИФАТИ

2.1 Етказиб бериладиган дори-дармон махсулотининг сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликка асосан етказиб бериладиган товар ва моддий-қийматликлар учун белгиланган ГОСТ ва бошқа меъёрларга мувофиқ бўлган сертификати ёки таҳлил (текшириш) баёни билан тасдиқланиши шарт;
2.2 «Харидор»га дори-дармон махсулоти билан бирга мувофиқлик сертификати нусхаси тақдим этилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

«Сотувчи» нинг мажбуриятлари:

3.1 «Сотувчи» етказиб бериладиган дори-дармон махсулот сифатини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрларга мувофиқ бўлишини ҳамда тегишли сифат сертификати ёки таҳлил (текшириш) баёнига эга бўлишини ва ўзаро келишилган миқдорда бўлишини таъминлайди;
3.2 «Харидор» га дори-дармон махсулотларини етказиб бериш вақтида тегишли сифат сертификат ёки таҳлил (текшириш) баёни нусхасини тақдим этади;
3.3 Дори-дармон махсулотларини қабул қилиб олиш вақтида аниқланган камчиликларни «Харидор» талабига мувофиқ 3 кунлик муддатда бартараф этади.
«Харидор»нинг мажбуриятлари:
3.4 Ўз талабномаси бўйича етказиб берилган дори-дармон махсулотларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;
3.5 Дори-дармон махсулотларини мазкур шартноманинг келишувларида кўрсатилган нарх бўйича белгиланган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китобни амалга ошириш учун «Тўловчи» га тегишли ҳужжатларни тақдим этиш;

4. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1 Мазкур шартноманинг умумий қиймати 9057500 (Тўловчи шартномада тақдим қилинган) ташкил этади.
Етказиб бериладиган дори-дармон махсулотларининг миқдори, нархи ва етказиб бериш муддати ушбу шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган;

4.2 «Сотувчи» билан «Харидор» ўртасида хар ойнинг бошида «Харидор»нинг ёзма талабномасидан келиб чиқиб, етказиб бериладиган дори-дармон махсулотларининг миқдори ва нархини келишуви имзоланади ҳамда ушбу келишувлар мазкур шартноманинг узвий қисми ҳисобланади;

4.3 «Харидор» тегишли даврда оладиган дори-дармонлари учун амалдаги қонунчиликда кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган миқдорда, яъни 30 фоиз аванс тўловини олдиндан «Сотувчи» ҳисоб-рақамига ўтказиб, қолган 70 фоизини ҳисоб-фактура тақдим этилгандан сунг 90 банк иш куни ичида ҳисоб-китоб қилинади;

4.4 «Сотувчи» тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва муддатларда дори-дармонларини етказиб беради;

4.5 «Харидор» етказиб берилган дори-дармон махсулотлари учун «Сотувчи» тақдим этган ҳужжатларга асосан узил-кесил ҳисоб-китобни ўзаро келишилган муддатларда «Сотувчи» ҳисоб-рақамига пул ўтказиб йули билан амалга оширади;

5. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

5.1 Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади;

5.2 Шартнома бажарилишни бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йул қуйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно;

5.3 Дори-дармон махсулотлари қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади;

5.4 «Харидор»нинг розилиги билан дори-дармон махсулотлари муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва «Харидор» томонидан қабул қилинган дори-дармон махсулотлари учун кейинги даврларда етказиб берилиши керак бўлган дори-дармон махсулот ҳисобига ҳақ туланади ва улар ҳисобига ўтказилади;

5.5 «Харидор» муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган дори-дармон махсулотларини қабул қилишни рад этишга ҳақлидир; Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда дори-дармон махсулоти етказиб берилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги етказиб берилмаган дори-дармон махсулоти урнини тулдириш сифатида қаралмайди ва етказиб берилмаган дори-дармон махсулотининг ўрни тулдирилиши керак, бундай дори-дармон махсулоти етказиб бериш *«Харидор»нинг олдиндан берилган ёзма розилиги ёки талабномаси бўйича амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно;

5.6 Етказиб берилган дори-дармон махсулоти бевосита «Харидор»нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган дори-дармон махсулоти миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади;

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 Агар етказиб берилган дори-дармон махсулотининг сифати, ассортимента, навлари, стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон етказиб берилган, сифати зарур даражада бўлмаган дори-дармон кийматининг 10 фоизи миқдориди жарима тулайди;

6.2 Дори-дармон махсулотларини етказиб бериш кечиктирилган ёки тулик етказиб берилмаган тақдирда «Сотувчи» «Харидор»гк кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган дори-дармон махсулотлари кийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня туланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва дори-дармон махсулоти етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тулик етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди;

6.3 Етказиб берилган дори-дармон махсулоти учун уз вақтида ҳақ туланмаганда «Харидор» «Сотувчи»га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди пеня тулайди, бироқ бу кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак;

6.4 «Харидор» томонидан тегишли шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун «Харидор»ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) «Харидор» томонидан шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган «Сотувчи»нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. «Сотувчи»нинг айби билан шартноманинг «Харидор» томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда «Сотувчи» томонидан қопланади;

6.5 Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-таабирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1 Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар қоидага кўра мустақил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар;

7.2 Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

8. ФОРС-МАЖОР

8.1 Форс-мажор ҳолатлар, жумладан ер қимирлаши, сел келиши каби табиий офатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Хуқумати томонидан янги қонун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва қўшимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1 Мазкур шартнома «Харидор» ҳамда «Сотувчи» томонидан тасдиқлангандан ва газначилик бўлими рўйхатидан утказилгандан сунг кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

9.2 Томонлар уртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тулик тугалланган тақдирда тухтатилади.

10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1 шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

11. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Етказиб берувчи»: "DARMON-FARM-SANOAT"МЧЖ

Манзили: Наманган ш Обихаёт МФЙ

Шоҳруҳобод кучаси 20уй

Телефон/факс:

Х/р: 20208000305423739001

Банк: АТБ Турон банк Наманган филиали

МФО:00226 СТИР: 308734765

Бюджет ташкilotи: Наманган туман тиббиёт бирлашмаси

Манзили: Наманган тумани Тошбуғноч

Телефон/факс: 69-47-11-235

Х/р: 10002286042127072130054027

МФО: 00014 СТИР: 200087852 ОКЭД: 91511

Ўзбекистон республикаси молия вазирлиги газначилик бўлими:

Ҳазна х/в: 23402000300100001010

Банк: Марказий банк ХКМ Тошкент бўлими

МФО: 00014 ИИН: 201122919

Беп ввв:
(Давоимии)

(ИМЗО)

(Ф.И.О.)



Д.Сотволдиев
(Ф.И.О.)



"DARMON-FARM-SANOAT" MCH билан "НАМАНГАН ТУМАН ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ"
 уртасида тузилган 27 е 2022 йилдаги № 36 сонли шартномага 1 илова
 СПЕЦИФИКАЦИЯСИ

пп-3953	№	Товарлар номи	Ўлчов бирлиги	Мик-дори	Нархи	Жами сўмма (ККС сиз)
№127	1	Амоксициллин (Ампицилин 0,5 г)	шт	2 000	2 700,0	5 400 000
№127	2	Амоксициллин (Ампицилин нат соль 0,1 г)	шт	950	3 850,0	3 657 500
ЖАМИ:						9 057 500,00

"DARMON-FARM-SANOAT" MCH		НАМАНГАН ТУМАН ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ	
Манзил - Наманган ш Обихаёт МФЙ Шохрухобод кучаси 20уй		Манзил: <u>Наманган тумани Ҳасанов</u>	
X/P: 20208000305423739001		X/P: <u>10002286014 4270891300540 88</u>	
Банк номи АТБ Турон Банк Наманган филиали		Банк номи: Марказий банк ХКҚМ	
МФО: 00226 ИНН : 308734765 ОКЭД:		МФО: 00014 УИИ: 200081852 ОКОНХ 91511	
Тел:		Тел:	
Раҳбар:	<u>Д. Сотволдиев</u>	Раҳбар:	<u>Р. У. Темуров</u>
М.У	Ф.И.Ш	М.У	Ф.И.Ш



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

№ RW45755881

1. Loyihaning turi. SHartnoma

2. Loyihaning nomi.

Namangan tuman tibbiyot birlashmasi va "DARMON-FARM-SANOAT" MCHJ bilan 9057500 so'mlik dori-darmon maxsulotlari hamda tibbiy buyumlarning xarid shartnomasini tuzish to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

SHartnoma loyihasi Namangan tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 25.01.2022 yilda dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti
2022 yil 27 yanvar.



B.To`raboev

4323976



sh.gov.uz
Ягона Интерактив
Давлат Хизматлари Портали

Соғлиқни сақлаш
вазирлиги ҳузуридаги
Фармацевтика
тармоғини
ривожлантириш
агентлиги



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyekтини) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"DARMON-FARM-SANOAT" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyekting tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"DARMON-FARM-SANOAT" MCHJ

(Yuridik shaxsning o'zgartirilgan nomi)

Tashkiliy etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

29.07.2021

1020153

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (hozir bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

308734765

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Namangan viloyati, Namangan shahri, Obihayot MFY, Shohruxobod
ko'chasi, 20-uy.

Guvohnoma:

Namangan viloyati, Namangan shahri, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'liq nomi):



№ 5713-6761-66440-2086-0013-0486-5602
Хужжат яратилган сана: 2021-10-18
Ариза рақами: 37967586

Хужжат берилад: DARMON-FARM-SANOAT
Қўбоғи кўлувчининг идентификация рақами: 308734765

Серия: №:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги
Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги

Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига 15958 - сонли
ЛИЦЕНЗИЯ

Ушбу лицензия "DARMON-FARM-SANOAT" маъсулияти чекланган жамиятига Тайёр дори
воситаларини улгуржи реализация қилишни амалга ошириш учун берилди.

Жойлашган жойи (почта манзили): Наманган вилояти, Наманган шаҳри Обихайот МФЙ,
Шохрухобод кўчаси, 20 уй.

Соліқ тўловчининг идентификация рақами (СТІР): 308734765

Лицензия бериш сані: 14-10-2021 йил

Амал қилиш мўздати: 14-10-2026 йил

Лицензиянинг реестр бўйича тартиб рақами: 14544-21

Ваколатли шахс: С.Кариев

Farmatsevtika tarmoqi ni rivojlantirish agentligi

Маъмур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомига мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрисидаги текшириш учун тиро дову аз веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноб рақамини кiritиш еки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Дикқат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъий таъқиқланган.



7727